

## А Ж Р И М

2026 йил февраль ойининг 9 куни жиноят ишлари бўйича Балиқчи туман суди, ўз биносида, очик суд мажлисида раислик қилувчи У.Шералиев, халк маслахатчилари Б.Деҳқонов, З.Йигиталиевлардан иборат ҳайъатда, судья ёрдамчиси О.Нурматжоновнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Балиқчи туман прокурори ёрдамчиси Р.Каримов, судланувчининг қонуний вакили Т.Хайитбоев ва унинг ҳимоячиси “OBBOSOV LUTFULLO JALOLDINOVICH” адвокатлик бюроси адвокати Л.Оббосов, жабрланувчининг қонуний вакили А.Турғуновнинг иштирокида, Носиржонов Мансуржон Носиржон ўғлига оид 1-1704-2601/27-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Носиржонов Мансуржон Носиржон ўғли (Nosirjonov Mansurjon Nosirjon o'g'li), 1979 йил 3 июнда Балиқчи туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-маҳсус, оилали, 2 нафар фарзандлари бор, вафот этган, муқаддам судланмаган, Балиқчи тумани, Исломобод МФЙ, Истиклол кўчаси 94-уйда яшаган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 97-моддасининг 1-қисми билан айбланган.

Суд, жабрланувчининг қонуний вакили, судланувчининг қонуний вакили ва гувоҳларни кўрсатувини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

## А Н И Қ Л А Д И:

М.Носиржонов 2025 йил 20 октябрь куни соат 12:30 ларда Балиқчи тумани, “Исломобод” МФЙ, Истиклол кўчаси, 56-уйда яшаб келгани ҳолда, турмуш ўртоғи Д.Турғунова билан яшаш хонадонида ўзга шахслардан юзага келган рашқ туфайли келиб чиққан оилавий келишмовчиликлар сабабли ўзаро жанжаллашиб, унинг оқибатида хонадон ошхонасида бўлган хўжалик пичоғи билан турмуш ўртоғининг орқа чап елка қисмига тан жароҳати етказгани, Д.Турғунова олган тан жароҳати натижасида воқеа жойида вафот этганлигини кўриб, ўзининг содир этган қилмишини англаб, қўлида бўлган хўжалик пичоғи билан ўзининг чап кўкрак қисмига беш маротаба уриб, ўз жонига қасд қилиб, олган тан-жароҳатлари оқибатида вафот этган.

Суд-тиббий экспертизасининг 2025 йил 12 декабрдаги №535-сонли хулосасига кзра Д.Турғунованинг ўлимига, “орқа кўкрак қафасига санчилик кесиб тешиб ўтган жароҳати, ўз йўналиши бўйича 9-10-қовурға суяклари орасида ошқозон ва талокни санчилик кесиб жароҳатланиши, тўқималарга ва мускул тўқималарга қон қуйилишлари, чап орқа бел соҳасидан кўкрак қафасига санчилик кесиб ўтган дароҳати, ўз йўналишида 5-6-7 кўкрак қафаси умуртақаларини бел бирикиш жойидан тўлиқ санчилик кесиб аорта ва талокни санчилик кесилган жароҳатлари, тўқималарга ва мушакларига қон қуйилишлари, ўткир ҳолда ташқи ва ички қон кетишлари, кўкрак қафаси чап томонда 150 мл грамм қон суяқлигини бўлиши, ўткир юрак қон томир ва нафас



етишмочилиги” каби “оғир” тан жароҳати етказилгани ва ушбу жароҳатлар сабабали вафот уни вафот этганлигини аниқланган.

Суд-тиббий экспертизасининг 2025 йил 10 декабрдаги №534-сонли хулосасига кўра М.Носиржоновга “кўкрак қафаси олд юзаси чап томонида кўп сонли (жами 5 та) санчиб-кесилган йўналиши бўйича чапдан 3-қовирғани тўлиқ кесиб узиб, чап ўпка юқори ва пастки бўлакларини тешиб ўтувчи жароҳатларни хосил қилиб, юрак халтасини тешиб ўтиб, юракни чап бўлмачаси юқори соҳасини шикастлаб, юракни қон билан таъминловчи қонтомирни тўлиқ кесилиши билан кечган санчиб-кесилган жароҳатлари натижасида, ўткир ҳолда ички ва ташки қон кетиши, кўкрак бўшлиғида 2650 мл суюқ ва қон лахталарини мавжудлиги, ички аъзолар камқонлиги, ўткир ҳолда юрак қонтомир ва нафас етишмовчилиги” каби “оғир” тан жароҳати етказилгани, ушбу тан жароҳати натижасида уни вафот этганлигини аниқланган.

Суд мажлисида М.Носиржоновнинг қонуний вакили Т.Хайитбоев ва жабрланувчининг қонуний вакили Ғ.Турғунов ариза тақдим этиб, М.Носиржоновга нисбатан юритилган жиноят ишини Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 1-қисмининг 3-бандига асосан айблилик масаласини ҳал этмасдан тугатишга рози эканини билдирган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 1-қисмининг 3-бандида айбланувчи ва судланувчи вафот этган бўлса шахснинг жиноят содир этилишида айблилиги тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят иши тугатилиши лозим деб кўрсатилган.

Суд жиноят иши ҳужжатлари ва тақдим этилган аризада кўрсатиб ўтилган ҳолатларга кўра М.Носиржонов вафот этганини, жиноят ишини тугатиш ҳақида судланувчининг қонуний вакили Т.Хайитбоев ва жабрланувчининг қонуний вакили Ғ.Турғунов томонидан аризалар тақдим этилганини инобатга олиб жиноят ишини айблилик масаласини ҳал этмасдан тугатишни лозим топади.

Суд, ашёвий далиллар масаласини муҳокама қилиб, ашёвий далил деб эътироф этилиб, Балиқчи туман прокуратурасининг ашёвий далилларни сақлаш хонасига топширилган марҳум М.Носиржоновнинг эғнида бўлган 1 дона футболка, 1 дона оқ майка, 1 дона кулранг шим ва 1 дона эркакларнинг қора рангли ички кийими, марҳум Д.Турғунованинг эғнида бўлган 3 дона кофтфоар, 1 дона сийнабд, 1 дона юбка, 2 дона труси ва 1 дона калготка, гувоҳ Э.Носиржоновнинг эғнида бўлган 1 дона футболка, 1 дона трико, 1 жуфт пайпоқ ва 1 жуфт таопчкалар, ҳодиса жойидан олинган 3 дона металл дастали пичоқ ва 1 дона дастаси ёғоч бўлган хўжалик пичоқлари, 1 дона қон доғлари мувжуд яшил гилам, ойна синикларини белгиланган тартибда йўқ қилишни;

- ашёвий далил деб эътироф этилган Андижон вилояти ИИБ эксперт-криминалистика маркази томонидан 2025 йил 30 октябрь куни берилган ҳулосалари, туман прокуратурасининг суд-тиббий экспертиза, суд дактилоскопик, суд-биология ва бошқа экспертиза қарорлари ва экспертизаланинг ҳулосалари, туман терговчиси томонидан дастлабки тергов давомида, актив гувоҳ М.Носиржонов ва бошқа иштирокчилар билан биргаликда М.Носиржоновни кўрсатувларини ҳодиса содир бўлган жойда текшириш ҳақида баённомаси, воқеа қандай содир бўлганлиги кўрсатмаси туширилган 1 дона ёзиб олинган ДВД ва унга илова қилинган фото суръатлар,



дастлабки терговга жиноят иши доирасида тегишли жойларга киритилган тақдимномалар ва уларнинг жавоблари, дастлабки тергов давомида Андижон вилоят ИИБ ТҚХ ЖҚБ бўлимига берилган алоҳида топшириқ ва унинг жавоблари, ҳодиса жойини кўздан кечириш баённомаси, чизмаси фото суръатлар, марҳума Д.Турғунованинг мурдасини туман тез тиббий ёрдам биносида кўздан кечириш баённомаси, марҳум М.Носироновнинг мурдасини туман тез тиббий ёрдам бўлим биносида кўздан кечириш баённомаси, дастлабки тувоҳларнинг тушунтириш ҳатлари ҳамда марҳума Д.Турғунованинг ва М.Носиржоновнинг жасадлари Андижон вилояти суд-тиббий экспертиза маркази биносида кўздан кечириш баённомаси, М.Носиржонов ва Д.Турғуноваларнинг суд-тиббий экспертиза ўтказиш қарорини жиноят иши ҳужжатларига қўшиб сақлашни лозим топади.

Суд юқорида баён этилганларга асосланиб, Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг 84-моддаси 1-қисми 3-банди, 586-моддаларини қўллаб,

### А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Ўзбекистон Республикаси ЖК 97-моддасининг 1-қисми билан Носиржонов Мансуржон Носиржон ўғлини айблаш ҳақидаги жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 1-қисмининг 3-бандига асосан айблилик масаласи ҳал этилмасдан тугатилсин.

Манфаатдор тарафларга етказилган моддий ва маънавий зарарлар ундириш масаласида фуқаролик суди иш юритуви тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилсин.

Ашёвий далил деб эътироф этилиб, Балиқчи туман прокуратурасининг ашёвий далилларни сақлаш хонасига топширилган марҳум М.Носиржоновнинг эғнида бўлган 1 дона футболка, 1 дона оқ майка, 1 дона кулранг шим ва 1 дона эркакларнинг қора рангли ички кийими, марҳум Д.Турғунованинг эғнида бўлган 3 дона кофтфоар, 1 дона сийнабд, 1 дона юбка, 2 дона труси ва 1 дона калготка, гувоҳ Э.Носиржоновнинг эғнида бўлган 1 дона футболка, 1 дона трико, 1 жуфт пайпоқ ва 1 жуфт таопчкалар, ҳодиса жойидан олинган 3 дона металл дастали пичоқ ва 1 дона дастаси ёғоч бўлган хўжалик пичоқлари, 1 дона қон доғлари мувжуд яшил гилам, ойна синиқлари белгиланган тартибда йўқ қилинсин.

Ашёвий далил деб эътироф этилган Андижон вилояти ИИБ эксперт-криминалистика маркази томонидан 2025 йил 30 октябрь куни берилган ҳулосалари, туман прокуратурасининг суд-тиббий экспертиза, суд дактилоскопик, суд-биология ва бошқа экспертиза қарорлари ва экспертзаланинг ҳулосалари, туман терговчиси томонидан дастлабки тергов давомида, актив гувоҳ М.Носиржонов ва бошқа иштирокчилар билан биргаликда М.Носиржоновни кўрсатувларини ҳодиса содир бўлган жойда текшириш ҳақида баённомаси, воқеа қандай содир бўлганлиги кўрсатмаси туширилган 1 дона ёзиб олинган ДВД ва унга илова қилинган фото суръатлар, дастлабки терговга жиноят иши доирасида тегишли жойларга киритилган тақдимномалар ва уларнинг жавоблари, дастлабки тергов давомида Андижон вилоят ИИБ ТҚХ ЖҚБ бўлимига берилган алоҳида топшириқ ва унинг жавоблари, ҳодиса жойини кўздан кечириш баённомаси, чизмаси фото



суръатлар, марҳума Д.Турғунованинг мурдасини туман тез тиббий ёрдам биносида кўздан кечириш баённомаси, марҳум М.Носионовнинг мурдасини туман тез тиббий ёрдам бўлим биносида кўздан кечириш баённомаси, дастлабки тувоҳларнинг тушунтириш ҳатлари ҳамда марҳума Д.Турғунованинг ва М.Носионовнинг жасадлари Андижон вилояти суд-тиббий экспертиза маркази биносида кўздан кечириш баённомаси, М.Носионов ва Д.Турғуноваларнинг суд-тиббий экспертиза ўтказиш қарори жиноят иши ҳужжатларига қўшиб сақлансин.

Ажримдан норози тарафлар эълон қилинган, судланувчининг қонуний вакили ва жабрланувчининг қонуний вакили ажрим нусхасини олган кундан бошлаб, ўн сутка ичида шу туман суди орқали Андижон вилоят суди жиноят судлов ҳайъатига апелляция тартибида, ажрим қонуний кучга киргандан сўнг кассация тартибида хусусий тартибда шикоят ёки протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи : имзо

Халқ маслаҳатчилари : 1. имзо

2. имзо

*Ажрим нусхаси аслига тўғри,*

Жиноят ишлари бўйича

Балиқчи туман судининг раиси

У.Шералиев

